Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 13 MART, JUMA, 32 (7493) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги

Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Озод Шарафиддинов ўзининг серқирра фаолияти, дадил сўзи, маънавий уйғоқликка даъват этувчи ўткир публицистик асарлари, бадиий таржималари баробарида матонати, қатъияти, ибратли ҳаёт йўли билан халқимиз меҳрини қозонган эди.
Шу кунларда олим таваллудининг 80 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда. Таълим масканлари, маънавият ва маърифат даргоҳларида устознинг маънавий мероси, фаолияти, ҳаёти, хотирасига бағишланган адабий кечалар, учрашувлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

АТОҚЛИ ОЛИМ, МЕҲРИБОН УСТОЗ

12 март куни Ўзбек Миллий академик драма театрида Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, олимлар, жамоатчилик вакиллари, талаба ёшлар, олимнинг шогирдлари, оила аъзолари тўпландилар.

Кечада Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири М.Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Ё.Аҳмедов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори ўринбосари Ж.Қосимов, филология фанлари номзоди, адибнинг қизи М.Шарафиддинова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги кенг кўламли изчил ислоҳотлар маънавий-маърифий ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш, унинг ривожи йўлида самарали фаолият кўрсатган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, ижодини тўлақонли ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш, хотирасини эъзозлаш каби эзгу ишларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Озод Шарафиддинов адабиёт, адабий танқид майдонининг фидойиси, навқирон истеъдодларнинг меҳрибон мураббийси сифатида танилган эди. Унинг китоблари адабий жараённи янгича англаш, идрок ва талқин этишнинг ёрқин намунасидир. Унинг XX аср янги ўзбек адабиётининг мустабид тузум туфайли топталган тарихини, айниқса, қатағон этилган адиблар меросини холисона ўрганиш йўлидаги жонбозликлари илмий-ижодий жасорат намунасидир.

Истиқлол йилларида ижодкорларга яратилган кенг имкониятлар Озод Шарафиддиновни ҳам янада самарали фаолият кўрсатишга ундади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» журналининг ташкил этилиши ва унга Озод Шарафиддиновнинг бош муҳаррир этиб тайинланиши олим фаолиятида янги саҳифа очди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек китобхонлари дунё адабиётининг энг нодир дурдоналаридан бахраманд бўлдилар. Устознинг жамоатчи, публицист сифатида истеъдодининг юксак қирралари намоён бўлди. Адабиётшуносниг «Истиқлол фидойилари», «Маънавий камолот йўлларида», «Мустақиллик меъмори», «Ижодни англаш бахти», «Довондаги ўйлар» каби асарлари замонавий миллий адабий тафаккурнинг ёрқин намунасидир.

Президентимиз фармонлари билан Озод Шарафиддинов Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, «Буюк хизматлари учун», «Меҳнат шуҳрати» орденлари билан тақдирланган эди.

Маросимда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти, устоз ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатли фильмдан лавҳа намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

* * *

Шу куни «Озод Шарафиддинов ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти С.Ғуломов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э.Воҳидов, филология фанлари доктори, профессор У.Норматов, академик Б.Назаров, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э.Аъзам, адабиётшунос олим И.Ғафуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ў.Ҳошимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни соғлом ва теран тафаккур соҳиби этиб вояга етказишнинг муҳим шарти сифатида миллий адабиётимизни равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу йўналишдаги барча ишлар миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкорларнинг илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Озод Шарафиддинов ижодини ҳар томонлама, чуқур ва мукаммал ўрганиш борасидаги эзгу ишлар бунинг ёрқин далилидир.

Конференцияда таъкидланганидек, бутун ҳаётини илм-маърифат ва маънавият ривожига бағишлаган заҳматкаш олимнинг асарлари, сермазмун ҳаёти навқирон авлодни тарбиялашда юксак намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Озод Шарафиддиновнинг бадиий адабиёт масалаларига бағишланган мақолалари адабиётимизга янги руҳ олиб кирди.

Устознинг «Адабий этюдлар», «Яловбардорлар», «Истеъдод жилолари», «Биринчи мўъжиза», «Адабиёт – ҳаёт дарслиги», «Ҳаёт билан ҳамнафас», «Ҳақиқатга садоқат», «Моҳият ва маҳорат», «Абдулла Қаҳҳор», «Чўлпон», «Чўлпонни англаш» каби кўплаб адабий-танқидий монография, рисола ва илмий-публицистик мақолаларида ўзбек адабиётининг тараққиёт йўллари, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Ғафур Ғулом, Миртемир, Зулфия каби адабиётимиз жонкуярларининг ижоди теран таҳлил этилган. Адиб ёш истеъдодларни тарбиялаш, камолотга етказиш борасида ҳам ибратли фаолият олиб борди. Олим қирқ йил давомида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида меҳрибон устоз, жонкуяр педагог сифатида самарали хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида Озод Шарафиддиновнинг публицист-олим сифатидаги қирралари янада ёрқинроқ намоён бўлди. У мустақиллик одимларини, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган одилона ижтимоий сиёсатни теран нигоҳ, дахлдорлик масъулияти, фаол фуқаролик позицияси билан таҳлил этди.

Конференцияда олимнинг илмий-адабий ва маърифий фаолиятига оид маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ҚЎШАРИҚ ДЎКОНЛАРИДА ИССИҚ НОНЛАР

Ўтган йили Андижон шаҳридаги "Мусаффо водий қандолат" масъулияти чекланган жамияти қошида нон ишлаб чиқариш цехи ишга туширилган эди. Айни кунга келиб бу ерда ёпилган нонлар жуда харидоргир бўлиб кетган. Тадбиркор Абдураҳмон Сатимов раҳбарлик қилаётган цех Қўшариқ даҳасидаги дўконлар билан тузилган шартнома асосида сифатли нонларни иссиққина ҳолида пешма-пеш пештахталарга етказиб бермоқда.

СУРАТДА: *нон цехи устаси Барнохон АБДУРАИМОВА.*

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ИПОТЕКА ва ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ

Бу кредитлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини изчил ошириб бориш Президентимиз, республикамиз ҳукуматининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада тижорат банклари томонидан ажратилаётган Ипотека ва Истеъмол кредитларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган матбуот анжумани "Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ипотека ва истеъмол кредитларининг аҳамияти" мавзуига бағишланди.

— 2008 йили тижорат банклари томонидан республикамиз аҳолисига жами 240,9 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди, — деди матбуот анжуманида Марказий банк раиси ўринбосари Шуҳрат Ҳайдаров. — Бу 2007 йилга нисбатан 73,3 фоиз кўпдир.

Тадбирда таъкидландики, тижорат банклари томонидан "Ёшлар йили" дастури доирасида ёш оилаларга ажратилган имтиёзли ипотека кредитлари миқдори 69,7 млрд. сўмни ташкил этди. Натижада, минглаб фуқаролар якка тартибда уй-жой қуришди, хонадонларини таъмирлаб олишди, янги квартиралар харид қилишди.

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тижорат банклари маблағлари ҳисобига 67 та кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 44 таси "Ипотека" банк томонидан молиялаштирилди. Ушбу турар-жой бинолари қурилишини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан қурилиш ташкилотларига қарийб 50 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишда истеъмол кредитларининг ўрни катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши, аҳоли даромадларининг ошишига олиб келмоқда. Натижада, фуқаролар томонидан истеъмол кредитларига бўлган талаб ҳам ўсиб бормоқда.

Ўтган йили тижорат банклари томонидан мижозларга жами 177,5 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Мазкур кўрсаткич 2007 йилдагидан 39 фоиз кўпдир. Айтиш ўринлики, уларнинг 36,5 млрд. сўми ёш оилаларга ажратилган.

Таъкидлаш жоизки, истеъмол кредитларининг айнан ватанимизда ишлаб чиқарилган товарларга ажратилиши ўз навбатида товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, банклар томонидан жорий йилда ҳам жамиятимиз пойдевори бўлган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини бошлаш учун уларга зарур ёрдам кўрсатиш ҳамда уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган кредитлар ажратиб бориш давом эттирилади.

Долзарб мавзуга бағишланган матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Кунгина муҳим воқеалари

○ Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида иш бошлаган илмий-амалий анжуман интервенцион кардиологиянинг долзарб масалаларига бағишланди. Тадбирда кардиолог, кардиожаррох, реаниматолог ва шошилинч тиббий ёрдам тизими шифокорлари, ёш тадқиқотчилар, магистрлар ва талабалар иштирок этмоқда. Тадбир доирасида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида илмий семинарлар ташкил этилади. Юрак хасталикларини даволашнинг замонавий усуллари, профилактика ва диагностика ишларини янада такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифалар, даволашнинг янги услублари ва воситаларидан фойдаланиш самараларига оид маърузалар тингланади.

○ Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Камолот" стипендияси совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

○ Косонсой туманида "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти тизимидаги "Махсускимё" шўъба корхонасининг савдо дўконлари иш бошлади. Наманган вилоятининг бир қатор туманларида фаолият кўрсатаётган бундай дўконлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликларини, шунингдек, аҳолини минерал ўғит ва кимёвий воситаларга бўлган эҳтиёжини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

○ Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичида қиррқа яқин ёшлар иштирок этди. Танловда Ғаллаорол туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Фотима Омонова ғолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринларни Жиззах иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Сардор Воҳидов ҳамда Фориш туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жалол Эргашев эгаллади.

○ Анжуман

Самарқанд Давлат университетида ЮНЕСКО ва Марказий Осиё илмий-тадқиқотлар институти ҳамкорлигида "Марказий Осиё қоя тошларга ўйиш санъати бўйича серияли номинациялар" мавзусида илмий-методологик семинар бўлиб ўтди.

ҚОЯ ТОШЛАР БАҒРИДАГИ СЕҲР

Унда Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Россия каби давлатлардан келган археолог олимлар, СамДУ ректори Темур Ширинов, ЮНЕСКОнинг Алматидаги маданият масалалари бўйича бюроси мутахассиси Юрий Пешковлар иштирок этдилар. Тадбир иштирокчилари юртимизда маданий меросларни, тарихий ва меъморий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ишларига давлатимиз томонидан катта эътибор берилаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёда қоя тошларга ўйиш санъати бўйича археолог олимлар томонидан бир қатор изланишлар амалга оширилгани, Самарқанд меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида жаҳон мероси рўйхатига олинганлиги юртимизда маданий ёдгорликларни ўрганиш ва муҳофаза этиш борасида қўлга киритилган қувончли ютуқлардан ҳисобланади.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ
Самарқанд вилояти

"Ташаббус" ташаббусга ундайди

Жойларда "Ташаббус-2009" кўрик танловининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда

АНДИЖОН вилоятида кўрик-танловнинг Республика босқичига йўлланма берадиган 3 та номинация бўйича Хўжаобод туманидаги "Барчиной" хусусий корхонаси раҳбари Раҳимберди Раҳимов, олтинкўллик ҳунарманд Сайёрахон Жўраева ҳамда Избоскан туманидаги "Избоскан асали" фермер хўжалиги раҳбари Роҳатбек Тўйчиевлар ғолиб бўлишди.

150 киши меҳнат қилаётган "Барчиной" хусусий корхонасида тайёрланаётган енгил саноат буюмлари Туркия, Германия ва Россияга экспорт қилинмоқда. Ўтган йили Москвада корхонанинг савдо уйи очилди. Раҳимберди Раҳимов болалар спортини ривожлантиришга ҳомийлик, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига мурувват кўрсатмоқда.

Сайёрахон Жўраева йигирма бир ёшда. Унинг қўлида сиз билан бизга чиқит бўлган ёғоч парчалари шундай гўзал қўғирчоққа айланадики, бу санъатга беихтиёр лол қоласиз. Унинг миллий услубда яратилган қўғирчоқлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган бир қатор Республика миқёсидаги танловларда намойиш этилди. Ёш ҳунармандларнинг 6 нафар шогирди бор. Улар яратган асарлар ҳам ниҳоятда мафтункорлиги билан кўпчиликни лол этмоқда.

Избосканлик фермер Роҳатбек Тўйчиев асаларичиликни ривожлантириш борасида ўзига хос ибратли ишларни амалга оширмоқда. Икки йил ичида амалга оширган ишлари вилоят жамоатчилиги томонидан эътироф этилди. Асаларичилик фойдали ва айни вақтда сердаромад тармоқ эканлигини кўрсатишга қодир бўлган фермер қисқа вақтда йиллик айланма маблағ ҳажмини 28 миллион сўмга етказди. Ишловчилар сони 28 нафарга етди. Ҳомийлик кўрсатиш борасидаги ишлари ҳам таҳсинга арзийди. 2008 йилда Роҳатбек Тўйчиевнинг кўмагида туманда асаларичилик йўналишида 5 та фермер хўжалиги ташкил топди.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

* * *

БУХОРОда "Ташаббус-2009" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўз ниҳоясига етди.

Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли маданият саройида бўлиб ўтган танловда туман босқичида ғолибликни қўлга киритган энг яхши фермерлар, тадбиркор ва ҳунармандлар вилоят ғолиблиги учун беллашдилар. Танловда ўндан ортиқ номинациялар бўйича ғолиблар номи аниқланди.

Танлов якунларига кўра, "Йилнинг энг яхши фермери" йўналишида Жондор туманидаги "Бунёд Салим Ҳаётжон" фермер хўжалиги раҳбари Салим Юнусов, "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича "Авация театр модаси" хусусий корхонаси раҳбари Ирина Шарипова ғолиб деб топилди. Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган заргар-уста Алишер Ҳайдаровга эса "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишида ғолиб бўлиш насиб этди. Кўрик-танлов ғолибларига ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ҳамроз АЛИ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

* * *

НАВОИЙ шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар ўртасида "Ташаббус-2009" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда нуроталик сўзаначилар, қизилтепалик зардўзлар, хатирчилик ишбилармонлар, карманалик ҳунармандлар, Учқудуқ ва Зарафшонда изланаётган тадбиркорлар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар барчанинг эътиборини тортди.

– Юртбошимиз томонидан биз каби тадбиркорларга яратиб берилаётган қулай имкониятлар кенгайиб бораётгани кучимизга куч қўшаётир, – дейди томдилик ёш тадбиркор Фериде Муҳамеджанова.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзғўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Галлабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Ургут тоғ этакларида қўклам нафаси бошқа жойларга нисбатан барвақт сезилади. Ўзини деҳқон деб билган киши борки, далага ошиқади. Боғларда иш қизғин. Одамлар дарахтларни буташ, шакл бериш, озиқлантириш ишлари билан банд. Мевали дарахт кўчатларини авайлаб кўтарганча йўл четидаги адирли майдонга ошиқаётган учтўрт чоғли киши олдида тўхтаб билдикки, улар Ургутнинг илғор фермерлари – Абдузоир Зиёев, Шоназар Бобоев ҳамда тажрибали соҳибкорлар экан.

ЗАМИНДАН ИССИҚЛИК ОЛАЁТГАН ИССИҚХОНА

УРГУТНИНГ КАМАНГАРОН ҚИШЛОҒИДА ҚУРИЛГАН БУ ТЕХНОЛОГИЯ ТАБИИЙ ГАЗСИЗ ВА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИСИЗ ҲАМ ДАРОМАД КЕЛТИРМОКДА

– Мана бу адирликда 7 гектарлик мўъжаз боғ яратишни мўлжаллаяпмиз, – дейди "Бобо" фермер хўжалиги бошлиғи Шоназар Бобоев. – Қишлоғимизни обод қилишга сарфлаган бир сўмимиз эртага ўн, юз, минг сўм бўлиб ўзимизга қайтади. Қолаверса, боғлар экологияга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

– Шоназар раиснинг сизлар кўраётган ишлари денгиздан томчи, – дейди Абдузоир ака. – Унинг Камонгарон маҳалласи ҳудудида бунёд этган иссиқхонаси ҳақиқий тадбиркорликнинг намунаси. Ҳеч қандай иссиқлик манбаларисиз, яъни табиий газ, кўмир, электр иситкичларсиз қишнинг чилласида иссиқхонада маҳсулот яратиш мўъжизанинг ўзгинаси эмасми?

Абдузоир аканинг бу гапи бизни ҳам ажаблантирди. Ахир, табиий газсиз иссиқхона яратиш, қишнинг чилласида унда ҳосил етиштириш ҳайратланарли иш. Бунинг сир-синоати нимада экан? Биз шундай ўй-хаёл билан Шоназар акага ҳамроҳ бўлиб Камонгарондаги иссиқхонасига йўл олдик. Йўл-йўлакай қилган суҳбатимизда Шоназар аканинг "суяги деҳқончиликда қотгани", қатор йиллар "Акромобод" ширкат хўжалигини бошқаргани ва Ургутда биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатига киришганини билиб олдик.

– Дастлаб, Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилингач, юрагимга аллақандай чўғ тушган эди, – дея иссиқхонани бунёд этилиши ҳақида гап бошлади Шоназар Бобоев. – Ахир, бу фермон замирида эл-юрт фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги, мамлакатимиз ободлиги сингари эзгу вазифалар, мақсадлар ётибди. Аҳолини қишин-ёзин мева-сабзавот билан таъминлаш, даромадимизни ошириш мақсадида иссиқхона қуришни дилга тугдик. Туман раҳбарлари кўмаги билан Хитойга бориб, иссиқхона яратиш, экинни қандай парваришлаш технологиясини ипидан-игнасигача ўрганиб қайтдим.

Қишлокда янгилик

Шу зайл 2007 йилнинг ёзидан Хитой технологияси асосида иссиқхона қуришга киришдик. Бу осон бўлмади. Дастлаб ерни 2,5-3 метр қазидик, сўнгра 2 метр қалинликда девор қилиб, унинг баландлигини 2,8 метргача кўтардик. Шу зайл иссиқхона майдонининг уч томонини девор билан ўрадик ва девор орқасини тупроқ билан тўлдирдик. Шундай қилинса ичкари тез исиб, кундузги ҳарорат "девор-тупроқ"қа сингиб қолади ва экинни кундузи меъёрдагидай иситгани устига ана шу девордаги ҳарорат тун бўйи ҳам иссиқлик билан таъминлайди. Мана шу фойдамиз 90 млн. сўмни ташкил этди. Бу йил иссиқхонамиз майдонини 87 сотихга етказдик ва 29 минг туп помидор кўчати экдик. Ҳозирда ҳар куни 500-600 килограмм атрофида помидор териб, бозорга чиқараяпмиз.

Биз иссиқхонанинг ўзига хос услубда қурилганини, тадбиркор-фермернинг чуқурлик жойда шундай мўъжиза яратганидан қувондик.

Иссиқхонадаги ҳароратни бир хил сақлаш, унда ҳосил етиштириш мураккаб иш. Бунинг учун доим фермернинг ёнида бу ишларнинг ҳадисини олган ишчи-мутахассислар керак.

– Хўжалигимиз ҳосилоти Мусурмон ака бу ишларда менга доим тиргак, – дейди Шоназар ака. – Уруғ ерга тушгандан то ҳосил пишиб етилгунча у киши ҳар бир ниҳол бошида туради. Экинга бирор касаллик тегадиган бўлса, унга даво топмагунча қўймайди.

Тағин иссиқхонамизда Шерали, Бобомурод, Акмал, Бекзод, Актам сингари иш кўзини биладиган шогирдларим бор. Асосий ишларни шулар қилишади.

Халқимиз "Иш билганга минг танга", деб бежиз айтишмаган-да. Айни кунда Шоназар Бобоев етакчилигидаги бу фермер хўжалиги деҳқонлари ғалла, сабзавот экинлари ва боғдан мўл ҳосил тартибда 6 та майдонча барпо этдик. Бошқа қурилиш ишлари ўзимизнинг Самарқандда ишлаб чиқарилаётган елим қувурлар ва Хитойнинг елим плёнкалари бўлгани учун унчалик қимматга тушмади. Шу тариқа ўша йилнинг кузида 60 сотих ерга 13 минг туп помидор экдик. Натижада, иссиқхонамизда январь ойининг ўрталаридан бошлаб ҳосил пишиб етилди ва ҳар бир туп помидордан ўртача 3,8-4 килограммдан, жами 36 тонна ҳосил олдик. Ўтган йилги олиб, хўжаликлари иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш билан бирга, иссиқхона ҳисобидан эл маъмурчилигини оширишга ҳам ҳисса қўшишмоқда экан.

– Экиннинг нечоғли ҳосилдор бўлиши, энг аввало, унинг уруғига боғлиқ, – дейди хўжалик ҳосилоти Мусурмон Ҳамроқулов. – Уруғ сифатли ва навдорми, демак у ҳосилдор, касалликларга чидамли, истиқболли бўлади. Уруғнинг шу жиҳатларини эътиборга олиб, иссиқхонамизда Исроилнинг "Валакуа", "Розалинда", "Шарлотта", "Белла" навли помидорларини етиштираяпмиз. Очиқ майдонларга бодрингнинг серҳосил "Аякс", "Орзу", помидорнинг "Реофиоба" навларини экамиз.

— Айни пайтда тасарруфимизда 185 гектар майдон бор. Ўтган йили ғалладан 63 центнердан ҳосил кўтардик. Давлатга 153 тонна ўрнига 167 тонна сара дон сотдик ва ўзимизга 185 тонна қолди. Шунингдек, "Тоне-Грейн" қўшма корхонасига 150 тонна бодринг ва 120 тонна помидор етказиб бердик, — дейди Шоназар ака. — Мен тажриба алмашиш мақсадида Хитойдан ташқари Голландия ва Шотландияда ҳам бўлдим. Англадимки, бизникидек иқлими, ери, суви бебаҳо мамлакат ҳеч жойда йўқ.

Ниятларим кўп. Келгусида иссиқхонамиз майдонини 7 гектарга етказишни мўлжаллаяпман. Унга сабзавот экинларидан ташқари, ўрик ва гилос меваларини ҳам экамиз ва мақсадимиз қишин-ёзин халқимиз дастурхонини ушбу мева-сабзавотлар билан тўлдиришдан иборат.

Юртимизда Шоназар Бобоев сингари тадбиркорлар кўп бўлса, қишлоқларимиз яна ҳам обод, турмушимиз тўкин бўлаверади.

Адҳам ҲАЙИТОВ,
Акрам ҲАЙДАРОВ.
Самарқанд вилояти

"Ташаббус" ташаббусга ундайди

(Бошланиши 1-саҳифада)

У ўзи яшаётган овулида 20 нафар қизни иш билан таъминлади. Бу чевар қизларнинг туя ва қўй жунларидан тайёрлаган кийимлари, белбоғ ва наматлари чидамлилигидан ташқари турли касалликлардан фориғ бўлишда ҳам кишига асқотади.

Кўрик-танлов натижаларига кўра йилнинг "Энг яхши фермери" деб Қизилтепа туманидаги "Фахриддин-Ойбек" фермер хўжалиги раҳбари Раҳмиддин Ҳафизов, "Энг яхши ҳунарманд" деб нуроталик каштачи Рухсораой Тўрақулова ҳамда "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича Кармана туманидаги "Зарафшон-дон инвест" МЧЖ раҳбари Маҳмуд Ҳалимовлар муносиб деб топилиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Шунингдек, мазкур кўрик-танлов ниҳоясида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, "Ўзбеклизинг" компанияси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Хитой Халқ Республикаси Гуанчжоу шаҳридаги бош ваколатхонаси ва турли хорижий компания вакиллари иштирокида Бизнес-форум ўтказилди. Бу Бизнес-форумда вилоят ишбилармонлари киритган таклифга кўра Навоий шаҳрида "Ўзбек-Хитой" савдо уйи ваколатхонаси очиладиган бўлди.

Бахриддин САДРИДДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

* * *

НАМАНГАН вилоятида бугунги кунда 22522 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган 2008 йил давомида 2151 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, бунинг натижасида 19 мингдан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўтган йил якунига кўра 69,7 фоизга тенг бўлди.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиблики қўлга киритганлар Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасига жам бўлишди. "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичига уч йўналиш бўйича жами ўттиз олти нафар иш юритувчи субъектлар ўзаро рақобатлашдилар. Кўрик-танловда намойиш этилаётган маҳсулотларнинг хилма-хиллиги ва сифати диққатга сазовор. Шу боис, ҳайъат аъзолари учун кўрик-танлов ғолибларини аниқлаш осон бўлмади.

Наманган туманидаги "Замин-Туркистон" масъулияти чекланган жамият раиси Равшан Мирзамаҳмудов "Энг яхши тадбиркор", Мингбулоқ туманидаги "Соҳибқирон" фермер хўжалиги раҳбари Солижон Ходжамов "Энг яхши фермер", Наманган шаҳридан ҳунарманд Аҳмад Убайдуллаев "Энг яхши ҳунарманд" номинацияларида вилоят кўрик-танловининг ғолиби бўлдилар.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

* * *

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган "Ташаббус-2009" кўрик-танловининг вилоят босқичини вилоят ҳокими Абдураҳим Жалолов кириш сўзи билан очди.

Ҳайъат аъзолари томонидан йилнинг "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер", "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши ва номинацияларида бўйича номзодларнинг кўргазмалари кўриб чиқилиб, иштирокчиларга совринлар берилди. Вилоятдаги "Энг яхши фермер" деб Гулистон туманидаги "Дилмурод" фермер хўжалиги раҳбари Сарвинисо Жўраева, "Энг яхши тадбиркор" деб Янгиер шаҳридаги "МосЯнтекс" қўшма корхонаси раҳбари Акром Ҳайдаров, "Энг яхши ҳунарманд" деб Гулистон туманидаги Ўктам Шодмонқулов топилди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

* * *

СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳрида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг очилишида сўз олган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Жўра Сафаров, республика Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Акром Арипов ва бошқалар ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар ҳақида алоҳида тўхталдилар ҳамда қатнашчиларга оқ йўл тиладилар.

Шундан сўнг ҳайъат аъзолари кўрик-танловда иштирок этаётган энг яхши тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар фаолиятини баҳолашга киришдилар. "Йилнинг энг яхши тадбиркори" сифатида Бойсун туманидаги "Умид" кичик корхонаси раҳбари Неъмат Абдуллаев ғолиб деб топилди. "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналиши бўйича эса деновлик тадбиркор Исомиддин Алиевга тенг келадигани топилмади. "Йилнинг энг яхши фермери" йўналиши бўйича ғолиблик Қумқўрғон туманидаги "Чорвадор" фермер хўжалиги раҳбари Раҳмиддин Шароповга насиб этди. Шунингдек, кўрик-танловда бешта йўналиш — алоҳида номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

* * *

ТОШКЕНТ вилояти маъновият, маданият ва маърифат марказининг кўргазмали залида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг вилоят босқичида 21 нафар тадбиркор, 21 нафар ҳунарманд ҳамда 15 нафар фермер ўзаро беллашдилар. Танловда ўз маҳсулотлари билан фаол қатнашган тадбиркорлар мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнес субъектларининг ривожи ҳамда фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қулоч ёйиши учун яратилган қулай имкониятлардан фойдаланиб, кўплаб хайрли ишларни амалга ошираётганликларини намойиш этдилар. Бугунги кунда вилоятда мулкчиликнинг турли шаклларида 32291 нафар тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 1719 нафари саноатда, 22932 нафари қишлоқ хўжалигида, 351 нафари транспорт ва алоқа йўналишида, 957 нафари қурилишда ҳамда 5556 нафари савдо ва умумий овқатланиш тармоқларида иш юритмоқда. Ўтган йили улар иштирокида минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Кўрик-танловда ғолиблар аниқланди. "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Паркент туманидаги "САНИ РАИЗИС" агрофирмаси раҳбари Рашид Пирматов, "Энг яхши фермер" йўналиши бўйича Ўрта Чирчиқ туманидаги "Камол ота" фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Камолов, "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича Оҳангарон шаҳридан Зарифа Оҳаҳодирова ғолиб деб топилди.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Жараён

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги қарорига асосан мамлакатимизда ўсимлик мойи етиштиришни кўпайтиришга катта аҳамият берилмоқда.

Махсар уруғини экишга тайёрлаш

Шу мақсадда соя, қунғабоқар, махсар ва бошқа шунга ўхшаш мойли экинлар экиладиган майдонлар кўпайтирилаяпти. Жумладан, жорий йилда хориж сармояси иштирокидаги "Янгийўл Yog'-moy" ОАЖ корхонаси жамоаси Тошкент вилоятининг 2500 гектардан ортиқ лалми ерларидаги майдонга махсар экишни режалаштирган. Махсар уруғини экишга тайёрлашнинг мақбул технологиясини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Корхона жамоаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ЎзМЭИ) олимларига махсар уруғини экишга тайёрлашда амалий ёрдам беришларини сўраб, мурожаат қилди. ЎзМЭИ олимлари қишлоқ хўжалик экинлари уруғини тайёрлаш технологиялари ва техника воситаларини атрофлича ўрганиб, махсар уруғининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, яъни лалми ерларда ўсишини, ҳар хил майда-чуйда аралашмалар ва бегона ўтлар уруғи мавжудлигини ҳисобга олиб, корхона мутахассислари билан ҳамкорликда талаб қилинган технологияни ишлаб чиқишди. Унга кўра махсар уруғи кучли ҳаво оқими ёрдамида дастлабки тарзда тозаланади. Сўнг махсус қурилмада икки босқичда калибровкаланиб, электр майдонида сараланади. Тарелка-барабанли қурилмада елимли ва стимуляторли аралашма билан намлангандан кейин махсар уруғига кимёвий дори билан ишлов берилади ва қопларга жойланиб, фермер хўжаликларига жўнатилади.

Ушбу технологиянинг моҳияти шундан иборатки, махсар уруғи даставвал махсус вентилятор билан ҳосил қилинган ҳаво оқими ёрдамида ҳар хил хас-чўплардан, енгил аралашмалардан ҳамда пуч уруғлардан ажратиб олинади. Кейин махсар уруғи биринчи босқичда йирик аралашмалардан, иккинчи босқичда эса бегона ўтларнинг уруғларидан тозаланади. Сўнг уруғлик электр майдонида барча муҳим физик-механик хоссалари бўйича сараланиб, физиологик пишиб етилган, юқори сифатли, биологик жиҳатдан бир-бирига яқинлари ажратиб олинади. Сараланган махсар уруғи тарелка-барабанли қурилмага маълум ўлчамда, яъни 100 килограммдан солиниб, елимли ва стимуляторли аралашма билан намланади. Технология сўнггида уруғ тупроқдаги ҳар хил қурт-қумурсқаларга қарши кимёвий дорилар билан ишлов берилиб, қопларга жойланади ва фермер хўжаликларига етказиб берилади.

Мазкур технология асосида жорий йилда "Янгийўл Yog'-moy" ОАЖ корхонаси учун 55 тоннадан зиёд махсар уруғи сифатли қилиб тайёрлаб берилди.

Абдуқодир РОСАБОЕВ,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти лаборатория раҳбари, техника фанлари номзоди.
Обид ЮНУСОВ,
"Янгийўл Yog'-moy" ОАЖ корхонаси раҳбари, техника фанлари номзоди.

"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

МУАММОЛАР ЕЧИМИ ТОПИЛМОҚДА

Таҳририятимизга Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Чўмичли қишлоғида яшовчи Ж.Алпомишев томонидан шикоят хати йўлланиб, унда муаллиф ушбу қишлоқдаги баъзи муаммоларга тўхталганди.

Мазкур хат юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Азизов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади:

Ҳақиқатан ҳам қишлоқ ҳудудидан ўтган автомобиль йўли таъмирталаб бўлиб қолган. Шуни ҳисобга олиб ушбу йўл жорий йил таъмирлаш режасига киритилди. Йўловчи ташувчи хусусий транспорт эгаларини тартибга солиш бўйича шахсий транспорт эгалари уюшмасига тегишли топшириқ берилди.

Қишлоққа газ тармоғи ўтмаганлиги сабабли балонли газ билан таъминланиши кўзда тутилган. Чўмичли маҳалла фуқаролар йиғини, "Жанубгазтаъминот" ШК Ғузор филиали билан бирга қишлоқда бўш газ балонларини йиғиш жойи ташкил қилиш ҳамда унга жавобгар шахс қўйиш бўйича келишиб олинган.

Қишлоқда электр энергияси таъминоти бўйича аҳолининг қарздорлиги қопланиши чоралари кўрилиб, меъёридан ортиқча чеклашларга барҳам берилади.

Қишлоқдаги мактаб биноси ҳам жорий йил таъмирлаш режасига киритилган.

Шунингдек, қишлоқда янги ҚВП биноси, сув йиғиш иншооти ва сув қуйиб бериш шохобчаси қурилиши режалаштирилмоқда.

Қишлоқ ҳудудига "Шўртангаз" УШК корхонаси томонидан сув қувури тортилди.

ХАБАРЛАР

Тошкент Давлат Техника университетининг 71-сонли талабалар ётоқхонасида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан ОИТС касаллиги ва унинг олдини олиш мавзусига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

ОИТСдан огоҳ бўлайлик

Тадбир аввалида талабалар ўртасида анкета-сўровнома ўтказилди. Филиал ходими Х.Холматова соғлом турмуш тарзини шакллантириш, рационал овқатланиш, мунтазам спорт билан шуғулланиб туриш мавзусида маъруза қилди. Шифокорлар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш нафақат юқумли, балки турли ирсий ва наслий касалликларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётгани, ОИТС ва ОИВ, уларнинг юқиш йўллари хусусида йиғилганларга батафсил маълумот беришди.

Тадбир якунида қайта ўтказилган анкета-сўровнома натижалари талабаларнинг тиббий билимлари ошганлигидан далолат берди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга шифокорлардан жавоблар олишди.

Мухлиса МУҲИТДИНОВА

Саломатлик поезди Қорақалпоғистонда

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига биноан қишлоқларда профилактика ва даволаш тадбирлари сифати ҳамда самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикасига "Саломатлик" поездини юборди.

Поезднинг тиббиёт вагонлари флюрография, электрокардиограмма аппаратлари, стоматология кабинети ва бошқа керакли тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.

Қорақалпоғистон Республикасига "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси тиббиёт хизматининг 18 нафар юқори малакали врачи, жумладан, терапевт, УЗИ врачи, лаборант ва бошқа тиббиёт ходимлари жўнаб кетишди. Улар "Қорақалпоғистон", "Бўстон", "Жаслык" станцияларининг темир йўл ходимларини ва мазкур станциялар атрофида яшовчи қишлоқ аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказадилар.

Миркарим МИРСОВУРОВ

ФЕРМЕРНИНГ УМИДБАХШ ОРЗУЛАРИ

Тўрақўрғондан ўтар бўлсангиз, сайру саёҳат ёки тижорат сафарингизни баҳор фаслининг туғаши, ёзнинг дастлабки кунларига мўлжалланг! Бунинг сабабини эса шаҳри азим Тошкент бозор расталарини тўлатиб, яшнатиб турган гилос сотувчиларидан сўранг!

Мустақиллик туфайли пахта, ғалла ва қишлоқ хўжалигининг бошқа экин турларидан мўл-кўл хирмон кўтаришга одатланган тўрақўрғонликлар шахсий томорқа ерларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйишди. Ҳар бир хонадонда гилос, хурмо, узум, бодом, олма, нок, шафтоли каби хилма-хил, шириншакар ва айни пайтда шифобахш мевалар етиштирила бошланди.

Калвак қишлоғи туман марказидан бир оз олисда Катта Шимолий Фарғона каналининг ўнг ва сўл қирғоқларида жойлашган. Ҳикоямиз қаҳрамони "Фозилов Маматжон" фермер хўжалигининг бошлиғи Усмонжон ака Фозилов бизларни Оқтош сув тортиш насос станцияси олдида қарши олди. Қиш чилласи чиқаётган кезлар, этни бир оз жунжиктирадиган саррин шабада эсади. Ариқ ёқаларида, офтобрўй жойларда баҳорни соғиниб, ердан бош кўтараётган майсалар ундабунда кўзга ташланади.

– Шахсий томорқамизда 80 туп гилос дарахти бор, – дейди Усмонжон ака. – Мени фермер, қишлоқ мулкдори бўлишимга ана шу гилослар сабабчи бўлган. Катта ишларга "хамиртуруш"ни ўша мўъжазгина боғларимдан олдим. Рузғорда ортган сармояларга сигир сотиб олиб, аввалига 1994 йили чорвачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этдик. Чорва молларимизнинг бош сонини кўпайтирдик. Кейин бундай ўйлаб қарасам, чорвачиликдан кўра деҳқончилик йўналиши бизнинг ер шароитига қулай, маъқул келаркан. Фермер хўжалигимизда деҳқончилик йўналишини йўлга қўйдик. Айни пайтда икки гектар ерда боғ ҳам барпо этдик. Ўтган йили 19 гектар ерга ғўзанинг "Наманган-77" навини экиб, ҳосилдорликни гектар бошига 34 центнерданга етказдик. Ялпи хирмон 66 тонна бўлди. Пахтачиликдан олинган даромад 26 миллион сўмдан ортди. 19 гектарлик ғаллазордан давлатга 65 тонна сара дон сотиб, шунинг ортидан 28 миллион сўм даромад олишга эришдик. Шунингдек, ўзимизга 40 тонна буғдой қолди...

Суҳбатимиз шу ерда узилиб қолди. Чунки машина қоқ дала ўртасида жойлашган, аммо теварак-атрофи пахса девор билан ўраб чиқилган иссиқхона олдида тўхтаган. Ҳаво рутубатли, қиш қишлигини қилаётганди. Иссиқхонага яқинлашган сари кишини беихтиёр баҳорий кайфият қарши ола бошлайди.

– Иссиқхонамизнинг умумий ер майдони бир гектарни ташкил этади, – дейди фермер. – 2007 йили "Микрокредитбанк"дан имтиёзли кредит олиб, иссиқхона қурилишини бошлаб юборгандик. "Ҳа, деган туяга мадор" деб бежизга айтилмаган-да. Шу кунгача 80 сотихли жойларида Самарқанддаги "Оҳалик-Ломанн-Парранда" Ўзбекистон–Германия қўшма корхонасидан зотли "Ломанн-Браун" жўжаларини келтиргандик. Ҳамкорларимиз айтганидек, 120 кунда товуқларимиз тухумлай бошлади. Айни кунларда беш минг беш юз дона товуқлардан маҳсулот олиш кўпаймоқда.

Боғдорчилик "Фозилов Маматжон" фермер хўжалигининг сердаромад тармоғи ҳисобланади. Бу ишларгимизда деҳқончилик йўналишини йўлга қўйишдик. Айни пайтда беш минг тупи гилос, бир минг беш юз тупи олма, бир минг беш юз тупи шафтоли. Ўзимизга кераклича экиб, қолганлари бозорга олиб чиқилади. Еримизнинг ҳар бир қаричи олтиндан-да қиммат хазина. Ундан қанчалик унумли фойдаланса, шунчалик турмушимиз фаровон бўлаверади. Яратганга шукр, деҳқончилик, боғдорчилик соҳасида ишлаб кам бўлмадик. Келин олиб, қиз чиқардик. Эл-юртга дастурхон ёзиб, тўйлар қилдик.

Фермер ўтган йилги даромаддан маҳалла учун гузар қурган эди.

– Бу йилги даромаддан эса маҳалла болалари учун битта замонавий спорт иншооти қуриб бериш ниятим бор. Маҳалламиз болалари орасидан ҳам Ўзбекистон байроғини юксакларга кўтарадиган спортчилар етишиб чиқишини жуда-жуда хоҳлайман-да, – дейди фермер.

Усмонжон ака Фозиловнинг ор-

қисмини туманимиз ҳудудидаги "Шаҳанд" сиҳатгоҳига топширдик. Иссиқхонамизнинг 65 сотихида "Белла" навли помидор экиб, парваришланмоқда. Шунингдек, эртанги карам етиштириш мақсадида карам уруғларини сепиб қўйилганди. Карам майсалари ҳам кун сайин барқ уриб ривожланмоқда. Бу юмушларни амалга оширишда Турсунбой ака Боқибоев, Ижобатхон Маткаримова, Мафтуна Абдужабборова, Муқаддасхон Мўминова ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

– Қишлоқда яшовчи биз каби қиз-жувонларга, – дейди иссиқхона ишчиси Ижобатхон Маткаримова – қиш ойларида иш топилмасди. Бу йил эса иш билан банд бўлиб, қиш фаслини қандай ўтаётганлигини сезмай ҳам қолдим. Қишлоқдан ўн беш киши доимий иш билан таъминландик. Меҳнатимизга яраша иш ҳақи олаяпмиз.

Шу атрофдаги паррандачилик фермаси эътиборимизни ўзига тортди.

– Паррандачилик етти хазинанинг бири дейишади, – изоҳлайди фермер. – Ўтган йилнинг октябрь да 8 та иссиқхонани битирио, ишга туширдик. Яқин кунлар ичида лимон етиштирадиган иссиқхона қурилишини ҳам бошлаб юбормоқчимиз.

– 15 сотихли иссиқхонамизда бодрингнинг "Орзу" навини экиб етиштирдик, – дейди биз билан суҳбатда иш юритувчи Малиюжон ака Каримов, – Етиштирилган ҳосилнинг асосий да фермернинг акаси тажрибали ўқитувчи Умаржон ака Фозилов бошқош бўлмоқда. Мевали дарахтларга шакл бераётган боғбон йигитлар – Икромжон Жамолов билан Исломжон Фозиловнинг ишини кўриб, беихтиёр боғбонликка ҳавас ва иштиёқ уйғонади кишида.

– Шу ерда жами саккиз минг туп ниҳол бор, – дейди фермер, – шунзулари ижобат бўлиб, келгусида Калвак қишлоғидан жаҳон чемпионлари етишиб чиқса, ажабмас. Негаки, хайрли мақсад йўлида қилинган ҳар бир ҳаракат изсиз кетмайди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Наманган вилояти

"Ипотека банк"ка "МУДИС" ХАЛҚАРО АГЕНТЛИГИНИНГ "БАРҚАРОР" РЕЙТИНГИ

ІРОТЕКА BANK

Ўтган йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози дунёнинг деярли барча давлатлари иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатди. Бугунги кунда ҳам давом этаётган ушбу жараён тобора чуқур ва кенгроқ тус олмоқда. Ана шундай шароитда 2008 йилнинг иқтисодий таҳлиллари, мамлакатимиз иқтисодиёти нафақат барқарор ривожланганини, балки барча соҳаларда ўсиш суръатлари намоён бўлганлигини кўрсатди.

Агарда ушбу молиявий инқирознинг келиб чиқиш сабабларини жаҳоннинг аксарият иқтисодчилари фикрича, ипотека кредитлари билан боғлайдиган бўлсак, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳномолигида олиб борилган изчил ислоҳотларнинг самарасини иқтисодиётнинг қон томирларига менгзаладиган банклар фаолиятида ҳам яққол сезамиз.

Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида жаҳон инқирози кучайиб бораётган ҳозирги шароитда банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш алоҳида аҳамият касб этишига эътибор қаратди. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан кўп. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодиётни юксалтириш пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилишида молия муассасалари ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ўтаётир. Буни "Ипотека банк" мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йилда банкнинг умумий капитали 95,5 миллиард сўмга етиб, йил бошига нисбатан 35,8 миллиард сўмга ёки 60 фоизга кўпайди. Банкнинг устав капитали 52,2 миллиард сўм бўлиб, 2008 йилда 26,4 миллиард сўмга ёки 2 баробарга ўсди. Банк томонидан мижозларга — жами 3359 та оилага 58373,5 миллион сўм ипотека кредитлари берилди. Шунинг 38,1 фоизи ёки 22271 миллион сўми ўтган йилда берилганини ҳисобга олсак, молия муассасасининг мижозларига яратаётган имконияти ошгани яққол намоён бўлади. Ўтган йил давомида мазкур молия муассасаси томонидан берилган кредитлар миқдори 365,7 миллиард сўмга етди. Улар асосан, уй-жойлар қурилиши, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик бизнес ҳамда қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. 2009 йил 1 январь ҳолатига банкнинг кредит портфели 341,7 миллиард сўмни ташкил этди. Бунда 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 30,1 фоизга ўсишга эришилди.

Мамлакатимизда йилга ном бериш ва шу асосда кенг кўламли хайрли ишларни амалга ошириш анъанага айланган. Эртамиз эгалари – ёшларга қаратилаётган эътибору ғамхўрликнинг ёрқин исботи сифатида 2008 йил "Ёшлар йили" дея номланди. Амалга оширилган ишларда "Ипотека банк"ининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлди. Буни ёшларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида кўрсатилган молиявий кўмакда ҳам кўриш мумкин. Мазкур молия муассасаси томонидан вилоятлар маркази ҳамда Тошкент шаҳрида жами 44 та кўп қаватли уй қурилиши молиялаштирилмоқда. Шу мақсад учун 43,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Айни пайтгача уларнинг 21 таси, жумладан, Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Фарғона шаҳарларида 2 тадан, Қарши, Жиззах, Навоий, Термиз шаҳарларида 1 тадан ҳамда Тошкент шаҳрида 3 та кўпқаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда яна 23 та уйнинг қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Улар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

Банк томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирларда Президентимизнинг Фармон ва қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Эътироф

Бунинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида жаҳон инқирози кучайиб бораётган ҳозирги шароитда банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш алоҳида аҳамият касб этишига эътибор қаратди. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан кўп. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодиётни юксалтириш пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилишида молия муассасалари ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ўтаётир. Буни "Ипотека банк" мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йилда банкнинг умумий капитали 95,5 миллиард сўмга етиб, йил бошига нисбатан 35,8 миллиард сўмга ёки 60 фоизга кўпайди. Банкнинг устав капитали 52,2 миллиард сўм бўлиб, 2008 йилда 26,4 миллиард сўмга ёки 2 баробарга ўсди. Банк томонидан мижозларга — жами 3359 та оилага 58373,5 миллион сўм ипотека кредитлари берилди. Шунинг 38,1 фоизи ёки 22271 миллион сўми ўтган йилда берилганини ҳисобга олсак, молия муассасасининг мижозларига яратаётган имконияти ошгани яққол намоён бўлади. Ўтган йил давомида мазкур молия муассасаси томонидан берилган кредитлар миқдори 365,7 миллиард сўмга етди. Улар асосан, уй-жойлар қурилиши, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик бизнес ҳамда қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. 2009 йил 1 январь ҳолатига банкнинг кредит портфели 341,7 миллиард сўмни ташкил этди. Бунда 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 30,1 фоизга ўсишга эришилди.

Мамлакатимизда йилга ном бериш ва шу асосда кенг кўламли хайрли ишларни амалга ошириш анъанага айланган. Эртамиз эгалари – ёшларга қаратилаётган эътибору ғамхўрликнинг ёрқин исботи сифатида 2008 йил "Ёшлар йили" дея номланди. Амалга оширилган ишларда "Ипотека банк"ининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлди. Буни ёшларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида кўрсатилган молиявий кўмакда ҳам кўриш мумкин. Мазкур молия муассасаси томонидан вилоятлар маркази ҳамда Тошкент шаҳрида жами 44 та кўп қаватли уй қурилиши молиялаштирилмоқда. Шу мақсад учун 43,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Айни пайтгача уларнинг 21 таси, жумладан, Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Фарғона шаҳарларида 2 тадан, Қарши, Жиззах, Навоий, Термиз шаҳарларида 1 тадан ҳамда Тошкент шаҳрида 3 та кўпқаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда яна 23 та уйнинг қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Улар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

Банк томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирларда Президентимизнинг Фармон ва қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаётир.



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мижоз манфаатининг устун қўйилиши, ишончнинг мустаҳкамлиги фаолиятнинг барқарорлигини таъминлайди. Сўз юритилаётган молия муассасаси ҳам "Банк мижоз учун" тамойили асосида фаолият юритмоқда. Аҳоли ишончининг ортиши банкка жалб этилган омонатларда ҳам яққол кўринади. 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига аҳоли омонатлари 69910 миллион сўмни ташкил этди. 2008 йилнинг шу даврига нисбатан ошишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги 2008 йил 31 октябрдаги қарорига мувофиқ, 2009 йил 17 январда Ўзбекистон Марказий банки ва Банклар уюшмаси томонидан 2008 йил якунлари бўйича тижорат банклари ўртасида аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш бўйича илк танлов ўтказилди.

Фахр билан айтиб ўтиш мумкинки, тижорат банклари ўртасида ўтказилган танловда "Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки" номинациясида "Ипотека банк" III даражали дипломга сазовор бўлди. Танловнинг қўшимча номинациялари бўйича эса "Ипотека банк" "Аҳоли учун энг яхши инновацион маҳсулот" номинациясида ғолиб деб топилди. "Омонатларни жалб қилиш бўйича банк фахрийси" номинациясида 59 йиллик банк иш стажига эга бўлган "Ипотека банк"нинг Самарқанд вилояти филиали жамғарма кассаси кассири Сараджанова Зоя Мануиловна ғолиб деб топилди.

Биламизки, республикамизда хотин-қизларимиз фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Уларнинг ҳаётимизда, умуман, ҳар бир соҳада фаоллигини ошириш учун қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, натижада ҳозирда опа-сингилларимиз ҳар жабҳада ўз иқтидорларини намоён этишаётир. Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ҳам мана шулар жумласига киритиш жоиз. Молия муассасаси ушбу қарор ижроси юзасидан ҳам талайгина ишларни олиб бормоқда. Ўтган йилда банк томонидан тадбиркор аёлларга 13,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда қулай ва ихчам ҳамён ҳисобланмиш пластик карточка билан муомала қилиш аҳоли орасида оммалашиб бормоқда. "Ипотека банк" ҳам ўз мижозлари учун ана шу "қулай ҳамён" ҳисобланадиган пластик карточкалар тизимини жорий этиш ва ривожлантириш борасида қатор ишларни амалга ошириб келаётир. Айни пайтда банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 500,3 минг донага етказилди. Ўтган йил давомида 50 минг дона янги пластик карталар муомалага киритилди. Уларга савдо шохобчаларида ва банк жамғарма кассаларида ўрнатилган терминаллар ва банкоматлар орқали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ўтган йилда пластик карточкалар орқали 223,8 миллиард сўмлик трансакциялар амалга оширилди. Уларнинг 72,3 миллиард сўми нақд пулсиз айланмалар бўлиб, бу 2007 йилда қайд этилган айланмадан 2,4 баробарга кўпдир. Пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғи 15,9 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг бошига нисбатан 6,5 миллиард сўмга ўсди.

Ўтган йилда республикамиздаги банклар фаолиятига жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликлари томонидан "Барқарор" рейтинги берилгани уларнинг халқаро даражада ҳам эътироф этилаётганидан далолатдир. 2008 йилнинг сентябрь ойида "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги "Ипотека банк"ининг миллий валютадаги узоқ муддатли депозитларига B1 халқаро рейтинг даражасини берди ҳамда рейтингнинг истиқболи "Барқарор" дея белгиланди.

Сирасини айтганда, ушбу молия муассасаси амалга ошираётган, маблағ йўналтираётган ишларнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Яъни, банк сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт йўлига хизмат қилмоқда.

"Ипотека банк" Матбуот хизмати

Фермер хўжаликларига қулайлик яратиш мақсадида далаларга минерал ўғит "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятининг жойлардаги филиаллари орқали етказиб берилади. Ушбу масъулиятли вазифани Шеробод тумани "Қишлоқхўжаликкимё" корхонаси жамоаси ҳам муваффақиятли уддалаб келаётир.

Ўғит таъминоти ишончли қўлда

— Қишлоқларимизда истиқомат қилаётган аҳоли ўз томорқасида турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиради. Экин-тикин ривожи кўпроқ маҳаллий ҳамда минерал ўғитларга боғлиқ. Ана шуни инобатга олган ҳолда биз туманимизнинг Улаш Туробов ҳамда "Ўзбекистон" деб аталадиган ҳудудларида минерал ўғит сотадиган иккита дўкон ташкил қилдик, — дейди сўз юритилаётган корхона бошлиғи Шохназар Эгамбердиев. — Аҳоли мазкур шохобчалардан ўз эҳтиёжига етадиган маҳсулотларни харид қилмоқда.

Инфратузилма

Шерободлик деҳқонлар 13 минг 666 гектар ерда ғалла етиштиришмоқда. Майсаларнинг ривожи яхши. Пайкалларга техника ёрдамида минерал ўғит сепиб чиқилди. Ҳозир эса ғалла пайкаллари навбатдаги обиҳаётга қондирилмоқда. 16 минг 145 гектар ерга чигит қадаш режалаштирилган. Айни чоғда экин-тикин ишларига жиддий ҳозирлик кўрилаяпти. Ҳудудда фаолият юритаётган 549 та фермер хўжаликларига мавжуд 8 та шохобчалар орқали хизмат кўрсатилаётир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳамда жойларда сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида 5 та ОВХ, 3 та минерал ўғит сепиш механизми ҳамда 4 та бошқа русумдаги техникалар харид қилинди. Бундан ташқари, январь ойида суспензия эритмаси тайёрлашнинг саноат негизидаги шохобчаси ташкил этилди. Жойларда маҳаллий ўғит чиқариш ишлари қизғин. Шермуҳаммад Месиров раҳбарлик қилаётган Толошқон шохобчаси 53 та фермер хўжаликларига хизмат кўрсатади. Йил давомида уларга турли ўғитлар етказиб беришда ҳеч қандай узилишларга йўл қўйилмади.

Поёнсиз далаларда барқ уриб ривожланаётган ғалла майсалари эртага дон бўлиб пишиб етилади, сўнг нон бўлиб дастурхонларимизни безайди. Ушбу ҳосилни етиштиришга биз юқорида номини тилга олиб ўтган жамоа ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишмоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сурхондарё вилояти

Янги нашр

"ОЛОВ ЖИЛОВКОРИ"

Қашқадарё вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда талабларини кенг оммага етказиш, аҳоли яшаш жойларида бу борадаги тажрибаларни тарғиб этиш мақсадида "Олов жиловкори" газетаси ташкил этилди.

Ойда бир маротаба чоп этиладиган ушбу газетанинг илк сонидан масала моҳиятига доир ижтимоий мақолалар, шунингдек, маънавий-маърифий, адабий-бадиий саҳифа, рекламалар ўрин олган. Бундан ташқари, газетанинг навбатдаги сонларида ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш соҳасидаги ихтиролар, уларнинг илмий-амалий аҳамияти мунтазам ёритиб борилиши маълум қилинган.

"Олов жиловкори" газетаси таҳририяти нафақат Қашқадарё вилояти, балки республикамизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам муштарийлари бўлишига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Хусан ТЕМИРОВ

Қашқадарё вилояти

Тадбир

"АДАБИЁТ – ҚАЛБИМ ЧИРОҒИ"

Юқори Чирчиқ туманидаги 20-ўрта мактабда "Адабиёт – қалбим чироғи" деб номланган адабий кеча ташкил этилди.

Тадбир Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси туман кенгаши, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси бирлашган туман қўмитаси, савдо ходимлари ҳамда тадбиркорлар касаба уюшмаси туман кенгашлари ҳамкорлигида ўтказилди. Унда туманнинг 80 нафардан ортиқ ўқитувчи ва юқори синф ўқувчилари, адабиёт ихлосмандлари иштирок этишди.

Кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Халқаро Яссавий мукофоти совриндори Темур Убайдулло, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солих Ёқубов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Муроджон Ботиров иштирок этиб, ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни, сўз санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган улуғ шоир ва ёзувчиларимиз ҳақидаги ҳаётий мисолларни тадбир қатнашчиларига ҳикоя қилиб беришди. Ижодкорлар томонидан ўқилган янги шеърлар тингловчиларга манзур бўлди.

Латифжон МАНСУРОВ

Тошкент вилояти

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

ЕР ШАРИГА ҚАНЧА ОДАМ СИҒИШИ МУМКИН?

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассислари 2012 йилга бориб ер юзида яшовчи аҳоли 7 миллиард нафарга етишини ҳисоблаб чиқишди.

Айни кунда яшил сайёра бағрида 6,8 миллиард аҳоли яшамоқда. Ҳисоб-китобларга кўра ҳар йили Ер аҳолиси ўрта ҳисобда 78 миллионга кўпайиб боради. Аҳоли сони ўсиши шу тахлит кетадиган бўлса, 2050 йилга бориб ерликлар сони 9 миллиардга етиб қолиши шубҳасиз.

Мутахассисларни ташвишлантираётгани ер юзида аҳолининг кўпайиши эмас, балки Ер шарининг шундоқ ҳам аҳоли зич жойлашган ва турмуш фаровонлиги паст даражада бўлган ҳудудларда туғилиш суръати юқорилигидир. Хусусан, 2010-2050 йиллар давомида аҳоли сони ўсиши борасида Ҳиндистон, Покистон, Нигерия, Конго Демократик Республикаси, Танзания ва Бангладеш етакчи бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, "ўзидан кўпаювчи" мамлакатлар рўйхатига АҚШ ва Хитой ҳам кириши эҳтимолдан йироқ эмас.

ИККИ КОРЕЯ КЕЛИШОЛМАЯПТИ

Шимолий Корея ташқи ишлар вазирлигининг ваколатли вакиллари АҚШ Жанубий Корея билан ҳамкорликда ҳарбий амалиётлар ўтказиш баҳонасида вазият тақозо этганда КХДРга ҳужум қилишга тайёргарлик кўрмоқда, деб расман норозилик билдирдилар.

"Оқ уйнинг янги маъмурияти Жанубий Кореянинг қўғирчоқ-мисол сиёсатдонлари қўмагида КХДРнинг суверенитетига ҳарбий йўл билан таҳдид қилишга уринмоқда. Турган гапки, бундай сиёсатга жавобан биз ўз манфаатларимизни ҳимоя қилиш чораларини кўрамиз", деди вазирликнинг матбуот котиби оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида.

Халқаро кузатувчилар кейинги пайтларда икки Корея ўртасидаги сиёсий-дипломатик муносабатлар шу даражада кескинлашдики, исталган фурсатда арзимас баҳона сабаб бўлиб, қуролли можаро бошланиб кетиши эҳтимоли жуда юқори, дея таъкидлашмоқда.

ТРАМВАЙЛАР КЎПРИК УСТИДА ТЎҚНАШДИ

Нидерландиянинг Роттердам шаҳрида иккита тезюрар трамвайларнинг тўқнашиб кетиши оқибатида 39 нафар йўловчи турли даражада жароҳатланди. Бўйин ва умуртқа поғонаси жиддий жароҳатланган 10 кишининг эса аҳволи ўта оғир, деб ҳисоблашмоқда шифокорлар.

Шаҳардаги кўплаб кўприклардан биридаги бекатда тўхтаб турган трамвайга ўртача тезликда келаётган иккинчиси орқадан келиб урилган. Ходиса сабаблари бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Орқадан келиб урилган трамвайнинг ҳайдовчиси сўроқ қилинмоқда. Унинг жамоат транспортини бошқариш пайтида спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги ҳақидаги тахминлар полиция томонидан буткул инкор қилинди.

ЧЎНТАККЕСАРЛАРНИНГ ЖАЗОСИ

Руминиянинг Тимишоара шаҳрида кейинги йилларда чўнтаккесар киссовурлар шу даражада кўпайиб кетгандики, уларга қарши полициянинг ҳам қўли калталик қилиб қолди.

Чўнтаккесарлар фақатгина аёлларнинг чўнтагини "тозалаб" кетишар, бу полиция ишини янада қийинлаштириб қўйганди. Ҳуқуқ тартибот ходимлари ҳам бўш келишмади: улар бир нечтаси аёллар либосини кийиб, махсус пардоз-андозни жуда ўрнига қўйиб шаҳар кўчаларида бир неча кун давомида "сайр" қилиб юришди. Чўнтаккесар ўғрилар қанчалик эҳтиёткор бўлишмасин, сумкалардан атайин бир учи чиқариб қўйилган семизгина ҳамёнларни кўриб, "иш"га киришдилар. Шу тариқа, махсус чора иш берди — бир ҳафта давомида 22 нафар чўнтаккесар ўғри қамоққа олинди.

▲ "Lenta.ru" маълумотлари асосида тайёрланди.

Деҳқончилик чорвачиликка пайваста

Рашид Авезовни қишлоқдошлари ернинг тилини, деҳқончиликнинг сирини пухта эгаллаган мутахассис сифатида ҳурмат қилишади. Бу бежиз эмас. Унинг бутун меҳнат фаолияти қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ ҳолда кечди.

Ёшлигидан хўжалик даласида ишлади. Қишлоқ хўжалиги йўналишида таълим олиб, олий маълумотли агроном мутахассислигини эгаллади. Қатор йиллар шу соҳада турли раҳбарлик лавозимларида фаолият юритди. У қайси лавозимда ишламасин, халқимизнинг ризқу рўзини яратиб берадиган бебаҳо хазина – ернинг қувватини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зарур агротехник тадбирларни оби-тобида ўтказиш, шу йўл билан ундан олинадиган ҳосил салмоғини юксалтиришга, том маънода айтганда, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга ҳаракат қилди.

Мана уч йилдирки, у Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Когон пахта уруғчилиги" фермер хўжалиги раҳбари. Фермер хўжалигининг шундай номланишига сабаб айнан шу хўжалик негизида вилоят пахта уруғчилиги бирлашмасининг элита хўжалиги фаолият кўрсатади. Пахта ва ғалла уруғчилигига ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида жами 72,7 гектар ер майдони мавжуд. Экин ерининг 43 гектарида пахта, 23 гектарида эса ғалла етиштирилади. 7 гектар майдонга алмашлаб экишни жорий қилиш мақсадида беда экилган.

Қишлоқ мулкдори биринчилардан бўлиб ўз даласида Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Бухоро филиалида яратилган "Бухоро-102" ғўза навини экиб, ундан юқори ҳосил олишга эришди. Фермернинг ғаллачилик соҳасидаги кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. Ўз даласида икки йилдан буён ғалланинг "Половчанка" навини парваришлаб, ҳосилдорликни гектар бошига 50-55 центнерга етказишга муваффақ бўлаяпти. Бундан ташқари, 1 гектарлик сунъий кўл ташкил этиб баликчиликни, 100 бош товуқ парваришлаб паррандачиликни ҳам йўлга қўйди.



– Экиндан кўзланган ҳосилни олиш учун сидқидилдан меҳнат қилиш керак, – дейди фермер. – Хўжалигимизда ҳосилдорликнинг юқори бўлишига ерларни текислаш, суғориш, маҳаллий ва маъданли ўғитларни етарли миқдорда киритиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишимиз орқали эришаяпмиз. Ҳар йили далаларимизга юзлаб тонна маҳаллий ўғит киритишни канда қилмаймиз.

Ўтган йили фермер лизинг шартномаси асосида "Клаас-Доминатор" дон ўриш комбайни харид қилди. Жорий йилда эса у "МХ-140" русумли ҳайдов трактори олишни режалаштирган. Демакки, кўп тармоқлили, моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги янги-янги ютуқларга омил бўлади.

Ҳамроз АЛИ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Бухоро вилояти

Ўша баҳорда биз лолақизғалдоқ термадик... Бу кўклам аввалгиларидан сира фарқ қилмас, фақат сену мен бошқа эдик. Сен ўн олтида, жуда гўзал, мағрур ва бепарво. Мен ўн еттида, паришонхотир ва сенга ошиқ эдим...

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор

Авваллари ҳар баҳор биз бирга қизғалдоқ терардик. Мен атрофи пахса девор билан ўралган ташландиқ боғда қўй боқардим. Сен ялпиз тергани келардинг.

Боққа туташ қирларда ял-ял ёнаётган лолақизғалдоқларни кўришимиз биланоқ мен қўйларни, сен ялпизларни унутардинг. Енгил шабадада ночор титраб турган гулларга маҳлиё бўлардик.

Сенинг ёноқларинг ҳам, кўйлагинг ҳам лола рангида эди. Бошингдаги ироқи дўппи ўзингга жуда ярашар, қирқта ўрилган қора сочларингни шамол торткилаб ўйнар, мен бечора сен чиройлими ёинки лолақизғалдоқми, билолмай ҳайрон эдим. Лекин шуримда барибир, лолақизғалдоқ таслим бўлар, қирмиз ёноқларинг ундан минг чандон чиройли эканига қайта-қайта имон келтирардим.

Кечга томон қўйларим қаёққа ғойиб бўлганини билолмай зир югуриб қолардим. Сенинг эса ҳеч нима термаганинг маълум бўларди. Мен отамнинг ғазабидан қўрқиб, қўйларни излаб кетардим ва уларни аллакимнинг томорқасидан топиб, роса дакки ердим. Сен эса беғубор табассум билан "Э, менга нима, эртага терарман-да", дея тол хивичидан тўқилган саватчангни гулга тўлдириб, уйингга жўнардинг.

Сенга ҳеч ким танбеҳ бермас, чунки олти ўғилдан кейин туғилган яккаёлғиз, эрка қиз эдинг. Хийла инжиқ, қаттиққўл ва ҳақиқатпараст отам мени роса уришар, чунки у ҳамқишлоқларимиз томорқасига зарар етказишни сира истамас, умуман, кимнингдир ҳақига хиёнат қилишни ўзи учун ор биларди.

Ҳа, "лола сайиллари" менга жуда қимматга тушарди. Бу фақат отамнинг танбеҳлари эмасди. Ахир, сендек қизнинг илтифотинг олдида мени ҳарчанд тергаса-да, еру кўкка ишонмайдиган отамнинг танбеҳлари нима деган гап?!

Чексиз азобларимга сабаб сенинг у қишлоқ клубидаги кинодан сўнг йўлимни тўсди. Биз унинг ўртоқлари гиж-гижлаши остида жиққамушт бўлдик. Аканг мендан анча катта ва бақувват бўлишига қарамай, унга бас келишим мумкин эди. Лекин мен буни истамасдим. Охир-оқибат у мени мағлуб этди ва тепамга келиб дўқ урди:

– Ҳой, олифта! Сен қўйларингни боқишни бил! Агар Санамжоннинг атрофида яна ўралашганингни кўрсам, ўлдим, деявер!

Ўша оқшом кўкарган кўзимни кўриб, онамнинг эсхонаси чиқиб кетди.

– Ҳай, ҳай, болагинам, қайси қўли сингурнинг иши бу?!

– Ҳеч қайси, онажон, копток тепаётганимда йиқилиб тушдим, – дедим хонамга кираётиб.

Ортимдан кирган онам олҳўридай шишган ёноғимни аста силаб, қойиндилар.

– Илоё, қўлингга куйдирги чиққур! Онам копток ҳақидаги эртагимга ишонмагандилар.

Туни билан ўринда ағанаб, кўзим зўрға илинди.

Эртасига мактабдан қайтаётсам, эски тегирмон ёнида мени қувиб етдинг. Ёнма-ён кета бошладик. Сен ҳамма гапдан хабардор эдинг. Кутилмаганда мен томон энгашиб, нозик бармоқларингни ёноғимга сал теккизгандай бўлдинг ва секин шивирладинг.

– Ҳалиям оғрияптими?..

Вужудимга яшин теккандек бўлди.

– Йўқ, оғримаяпти, кеча ҳам оғригани йўқ, – ғўлдирадим ўзимни йўқотиб.

Сен ёшли кўзларинг билан жилмайиб, пўписа қилдинг.

– Ёлғончи!

Шундан сўнг ҳар иккимиздан ҳам садо чиқмади, Йўлда давом этдик. Ўзимнинг ўшандаги ҳолатимни тасвирлашга ожизман. Лекин сенинг ғамгин, ёшли кўзлар билан жилмайишларинг ва шунинг баробарида юзларингда балқиган нур орадан шунча йиллар ўтсада, ҳамон юрагимни ёритиб турибди.

– Майли, хафа бўлма, ўзинг биласан-ку, акам сал тажангроқ бўлса-да, кўнгли очиқ. Боплаб адабини берардиму дадамдан уялдим-да...

Шивирлаб юпатишларинг вужудимга роҳат бахш этар, мен баттол акангнинг аччиқ муштларига яна дош беришга тайёр эдим.

Нақшинкор дарвозанг олдида хайрлашар эканмиз, майин жилмайдинг-да, кўздан ғойиб бўлдинг...

Шундан сўнг бизга биргаликда лолақизғалдоқ териш қайта насиб этмади. Бунда сени еру кўкка ишонмайдиган акаларингнинг сира айби йўқ. Афсус, тақдири азал шундай экан...

* * *

Биз лолақизғалдоқ термаган баҳор аввалгиларидан сира фарқ қилмайди. Фақат сену мен бошқамиз, холос...

Сен ҳамон гўзал ва мағрурсан. Мен ҳамон сенга ошиқман. Сени эслайман. Кўксимда гўё бағри қон лолалар гул очади ва юрагимни чексиз армон ўртайди. Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, лекин биз қизғалдоқ терган баҳор энди сира қайтмайди...

Жўра ФОЗИЛ

Табиат ва инсон

Ёввойи ғозларнинг бир тури — оққушлар эрта баҳорда биринчилардан бўлиб жанубдан овоз чиқариб, юртимизга кириб келишади. Уларнинг шовқин-сурони ва табиатнинг уйғониши баҳор ўз ҳукмини ўтказаётганлигидан дарак беради. Қанотли дўстларимизни поёнсиз кенг далалар қарши олади. Бир қисми эса бошқа ҳудудлардаги дарё қирғоқлари, сув ҳавзалари ва дашту биёбонлар томон йўл олишади.

Нодир ва камёбдир қуш зоти аро

Оби-ҳаёт қушлар учун ҳам тириклик ва ҳаётий заруриятдир. Мавжланиб турган Қоравултепа сув омбори ва Сангзор дарёси қирғоқларини қалин қамиш ва тўқайзор эгаллаган. Бу хилват жойларни макон қилган оққушлар шитоб билан тез-тез сувга шўнғийдилар. Кейин офтобда исиниб олгач, оёқ ва тумшуқларини тозалаб яна ҳавога кўтарилишади. Қанотларининг кучига ишониб, озуқа илинжида шомга қадар тиним билмай елиб-югуришади. Асосий озуқаси турли ҳашарот ва ўт-ўланлардан иборат.

Оққушларда урчиш қизиқ кечади. Нар қуш жуфтини бир дам ҳам кўздан қочирмай ёнидаги турдошларига қиё боқмайди. Мабодо жуфтлик адашиб бир-бирларидан ажраб қолишгудек бўлишса, баланд овозда ғағиллаб ҳар томонга талпинишгани талпинишган. Садоқат бобида улар бошқа турдаги қушларга ибрат бўлса арзийди.

Янги наслни дунёга келтириш учун оққушлар кўп заҳмат чекиб уяларини одамлар қадами етмайдиган хилват жойларга қўйишади. Оққуш макиёни мавсум давомида бор-йўғи икки ёки учта бола очади. Полапонларини вояга етказиш учун тиним билмайди.

Ривоят қилишларича, анча йиллар илгари илиқ баҳор кунларининг бирида йигит дашту биёбонларни кезаркан, узун арғимчоқ ҳосил қилиб, қаторга тизилишиб учаётган оққушларга кўзи тушади. Кейин ҳавза бўйларига яқинлашиб, бирин-кетин пастлай бошлагач, йигит шошганидан уларни мўлжалга ола бошлайди. Жониворлар чўчиб юқорига кўтарилишганида уларнинг бири қирғоққа қулаб тушади. Кутилмаганда тўдадаги қушларнинг бири ажралиб чамаси йигирма метрлар баландга кўтарилиб ўзини жуфти ёнига ташлайди ва жон беради. Овчи йигит эса қўлда ўқлоғлиқ милтиғини ушлаганича беихтиёр жон таслим қилган жониворнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб тикилиб қолади. Оққушлар галаси ҳамон тепада айланиб нари кетмас ва ғағиллашини бас қилишмасди. Шунда йигитнинг юраги эзилиб, виждони қийналганиданми ўзини айбдор ҳис эта бошлайди. Кейин овини чала қолдириб, ортига қайтишга тараддуд кўра бошлайди.

Йигит тоғу тошлар оша йўлда кетаркан кексаларнинг: "Оққушлар муқаддас саналади, уларни нобуд қилиш увол. Паррандаларнинг ҳам деви бўлади", деган гаплари ёдига тушиб, ўйланиб қолади. Шу-шу овчи йигит дарё ва ҳавза бўйларига бошқа йўламайдиган бўлибди.

Субҳидамда турли қушларнинг куйлаши теварак-атрофга янада жозиба бағишлайди. Ҳар тонг қуёш бўй кўрсатгач, камалакдек товланиб ёрқинроқ жилваланадиган оққушларнинг чақноқ кўзлари ички сезги туйғулари билан уйғунлашиб, мақсад сари аниқ ҳаракат қилишади. Авлодини боқиш учун кун-бўйи тиним билмай қанот қоқиб, ҳафсала ва чидам билан озуқа ахтаришади.

Бу ноёб қушлар ҳақида ҳар сафар ўйлаганимда иқтидорли шоир Анвар Исроиловнинг "Оқ турналар" деб номланган қуйидаги шеъри беихтиёр ёдимга тушаверади:

Эмиш: оқ турналар асл парранда,
Нодир ва камёбдир қуш зоти аро.
Бироқ асл қушлар кўп пароканда,
Қанотлари оппоқ, қисмати қаро.
Шарпалардан нари кетармиш улар,
Саноқли қолганмиш насл-насаби,
Жуфт-жуфт бўлиб парвоз этармиш улар,
Ғазалдаги байтнинг жуфт сатри каби.
Ҳар дилнинг ўз ноёб оқ турналари —
Интилгани севги, излагани бахт,
Излаш, интилишда дил нурланади,
Баъзилар кеч топар, баъзилар барвақт.
Овчилар тоғ ошиб кезарлар ўрмон,
Тузоқ қўйганлари гоҳ биргина қуш,
Менга оқ турнадан шоҳ байтлар армон,
Излайман то бошдан учгунича хуш.
Мен овчи эмасман, ниятим оқдир,
Машқ эта бошлаган қўшиғим ярим.
Сизга қаламим ва қалбим муштоқдир,
Қайдасиз, о, менинг оқ турналарим?!

"Қизил китоб"га киритилган ноёб оққушларнинг сони сўнгги йилларда камайиб бораётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Негаки, беозор жониворлар жанубдан юртимизга кириб келгунларича кўп талафотларга учрайдилар. Илиқ ҳаво оқимисиз йўлда узоқ муддат уча олишмайди. Совуққа ҳам бардошсиз қушдир. Уларнинг хотиржам ҳаёт кечиришларига халал берувчи нопок кимсалар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Ўғринча ов қилувчилардан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима ундириш қонунда кўрсатилган бўлишига қарамай бундай ҳолатлар тўла барҳам топмаганлиги таассуфлидир.

Абдулла САИДОВ

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР НОМИ МАЪЛУМ

ФУТБОЛ

Европа яшил майдонларида дунёнинг клублар ўртасидаги энг нуфузли турнири бўлмиш Европа чемпионлар лигаси 1/4 финал босқичига чиқиш учун кураш олиб бораётган футбол жамоаларининг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.

Ушбу учрашувлар натижасига кўра Англиянинг тўртта ("Манчестер Юнайтед", "Челси", "Ливерпуль", "Арсенал"), Испаниянинг иккита ("Барселона", "Вильярреал") ҳамда Германия ("Бавария") ва Португалия ("Порту")дан биттадан жамоа кейинги босқичга йўл олди.

Футбол оламида катта нуфузга эга бўлган Италия футбол клубларидан биронтаси ҳам кейинги босқич масаласини ижобий ҳал қила олмаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қуйида учрашув натижалари билан танишинг:

"Ювентус"–**"Челси"** 2:2 (0:1)
"Ливерпуль"–"Реал Мадрид" 4:0 (1:0)
"Панатинаикос"–**"Вильярреал"** 1:2 (1:1)
"Бавария"–"Спортинг" 7:1 (5:0)
"Манчестер Юнайтед"–"Интер" 2:0 (0:0)
"Рома"–**"Арсенал"** 1:0 (0:1) Пенальтилар серияси бўйича 6:7
"Порту"–"Атлетико" 0:0 (2:2)
"Барселона"–"Лион" 5:2 (1:1)

* *қавс ичида биринчи бахс натижалари.*

ВИЛОЯТ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Қашқадарё вилоятида шу йилнинг май ойида Гулистон шаҳрида бўлиб ўтадиган мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" республика финал мусобақаси олдидан вилоят босқичи баҳслари давом этаяпти.

Унда спортнинг ўнта тури бўйича жамоалар куч синашмоқдалар. Енгил атлетика баҳсларида шаҳрисабзлик ёш спортчилар бош совринни қўлга киритган бўлса, иккинчи ва учинчи ўрин яккабоғлик ва ғузорлик ёшларга насиб этди.

Қўл тўпи беллашувлари ҳам ғоят муросасиз ўтди. Унда ғузорлик ёшларга тенг келадигани топилмади. Қарши шаҳри вакиллари иккинчи, муборакликёшлар учинчи ўринни эгаллашди. Қизлар баҳсида нишонлик ёш спортчилар биринчи, Ғузор ва Миришкор тумани вакиллари кейинги ўринларни банд этишди.

Волейбол бўйича ўтказилган беллашувларда барча учрашувларни юқори савияда ўтказган китоблик волейболчилар биринчи ўринни эгаллашдилар. Ғузор ва Миришкор терма жамоалари иккинчи ва учинчи ўрин сохиби бўлишди.

Спортнинг баскетбол тури бўйича бўлиб ўтган беллашувлар кескин курашларга бой бўлди. Қарши шаҳри спортчилари мазкур беллашувда биринчи ўринни эгалладилар. Ғузор ва Қарши туманлари вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўринларга кўтарилишди.

Вилоят босқичи баҳсларини спортнинг футбол, бадийий гимнастика, сузиш мусобақалари ниҳоясига етказади.

ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Дзю-до

Қарши шаҳрида ёшлар ўртасида дзю-до бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

Қарши олимпия заҳиралари коллежи манежида ташкил этилган мусобақада курашчилар тўқизта вазн тоифасида ғолиблик учун ўзаро баҳс юритдилар. Енгил ва ўрта вазн тоифасида қашқадарёлик Улуғбек Азизов, Тошкент вилояти вакили Муҳаммадюсуф Ҳайдаров, самарқандлик Комилжон Бўстонов, пойтахтлик Азиз Қурбоновлар биринчи ўринни қўлга киритишди. Оғир вазн тоифасида эса Тошкент шаҳрилик Суннат Азизов, Шухрат Остонов, Бехзод Соҳибов ва қашқадарёлик Отабек Жумашев шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Қизлар беллашувида қашқадарёлик Дилфуза Темирова, хоразмлик Хуршида Бекманова, Тошкент шаҳрилик Шаҳодат Субеханова ва Азиза Бобоевага тенг келадигани топилмади. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

○ Таълим

ЗАМОН ТАЛАБИГА МОНАНД

Иштихон туманидаги Эшонқишлоқ қишлоғи марказида янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги келажак эгалари учун айни муддао бўлди. Жорий ўқув йилида эшонқишлоқлик ёшлар замон талаблари даражасида жиҳозланган икки қаватли кўркам бинода сабоқ олмоқдалар. Зарур ўқув анжомлари, компьютер технологиялари билан жиҳозланган 30 та ўқув хонаси, шунингдек, барча қулайликларга эга стадион ўқувчилар ихтиёрида.

– Бу нафақат 500 дан зиёд ўқувчи ҳамда 50 нафарга яқин педагогга зарур шарт-шароит яратди, балки ота-оналарнинг ҳам чексиз қувончига сабаб бўлди, – дейди 23-мактаб директори Аҳмад Рўзиев. – Замонавий мактабда юқори даражада таълим ва тарбия олаётган қишлоқ ёшлари юртимиз келажагига хизмат қиладиган баркамол инсон бўлиб вояга етишларига ишонамиз.

Озод ОЧИЛОВ

Самарқанд вилояти

ЧФ "LAMARA" (ИНН 204081160, ОКОНХ 71261), зарегистрированный хокимиятом Юнусабадского района г.Ташкента за № 000455 от 25.06.2002 г., ликвидируется (на основании приказа № 4 от 09.03.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул.Амир Темур, 1. Центральная часть Алайского рынка. Тел.: 232-01-50.

ООО "O'ZGARISH SPORT SOKKER" (код по ОКПО 19853952, ИНН 205299308), юридический адрес: г.Ташкент, Сергелийский район, ул.Зарунар, сообщает о присоединении к ООО "SIGMA CAPITAL" (код по ОКПО 22103924, ИНН 300604853), юридический адрес: г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Чехова, 10. ООО "SIGMA CAPITAL" является правопреемником по всем правам и объязательствам. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: (+99897) 779-74-77.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 7-мавзе, 35-уй 56-хонадонга 1992 йили мазкур туман ижроия қўмитаси томонидан Тулянганов Шухрат Сабитович номига берилган ордер ва БТИ идораси томонидан 1993 йил 1 декабрда 335-рақам билан берилиб, 60-рақам билан реестрда қайд этилган уй плани ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Давлат патентларига эга "AVTOTRAK"® корхонаси

ЗИЛ-130, 555... ГАЗ-52,53, САЗ... КАВЗ

автомобилларига дизеллар ўрнатади

ва тегишли ҳужжатлар беради

Таъмирланган "Кожух-плита" дизели ва Д-243 (МТЗ), Д-28, А-01 ("Алтай"), ЮМЗ, "Камминз" (ТТЗ-100), "Авиа" дизелларига БЛОК, ВАЛ, АППАРАТЛАР; "ИКАРУС", "МОРАЛ" ПЛУНЖЕРЛАРИ, РАСПИЛИТЕЛЛАРИ, "ЗИЛ" ВКЛАДИШЛАРИ, КС-25-61 РУСУМЛИ АВТОКРАН, "ЗИЛ КОРОБКА"си СОТАДИ.

Вилоятлардан келган электр-газ пайвандловчилар, мотористлар, автослесарларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ. Турар-жой билан таъминлаш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА-, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" бекати. Телефонлар: 159-48-00.

Хизматлар лицензияга эга

АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 12-ўрта мактаб томонидан 2007 йили Соепов Хамиджон Хакимжонович номига берилган O'R-SH № 0740778 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Жомий маҳалласи, М.Турғунбоева кўчаси 108-уйда яшовчи Нарматов Нуритдин Жумаевич номига берилган уй плани ва уй паспорти ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "ZAPINVEST" сообщает об увеличении Уставного фонда с 88 681 000 сум до 171 245 302 сум.

Потерянный оригинал проспекта эмиссии ОАО "ТашОР" (ИНН 200547175, ОКОНХ 14934), расположенный по адресу г.Ташкент, Хамзинский район, ул.А.Каримова, 5, считать недействительным.

ООО "MILEN" (код по ОКПО 17489985) сообщает о преобразовании в СП "MILEN" в форме ООО. СП ООО "MILEN" становиться правопреемником всех долгов и объязательств ООО "MILEN". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Шайхантахурский район, Марказ-14, дом 56 "А".

ООО "ELERON-KA" Мирзо Улуғбекского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 274 233 459 сум до 273 501 929 сум. Претензии принимаются по тел.: 256-51-82.

ООО "SBONDS INVEST" извещает об уменьшении Уставного фонда с 3 558 000 000 сум до 3 077 752 522,1 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 705-28-10.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Гуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Агитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: С.ИСЛОМОВ
Мусаҳҳиҳ: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.40
19339 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

345678